

Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”

Hosted Online from Bilbao, Spain on November 10th, 2022.

www.conferencezone.org

РАНГЛАРДАН ГЎЗАЛЛИК ЯРАТУВЧИ МУСАВВИР

Собиржон Собиров

Хоразм Маъмун академияси кичик илмий ходими, Ўзбекистон Бадиий
академияси ижодкорлар уюшмаси аъзоси

Бугунги кунимизнинг таниқли рассоми ва юксак илмий салоҳиятли олими, замонавий ўзбек рангтасвир санъатининг улкан намояндаси Рустам Худойберганов бўлиб, унинг ижодий фаолияти тўғрисида фикр юритиш , ёш авлод маънавияти , нафосат тарбияси соҳасида муҳим аҳамиятига эга. Ўзбекистон халқ рассоми, профессор Рустам Худойберганов устахонасида бўлган ҳар бир кузатувчи мусаввирнинг қарийиб ярим асрлик ижоди рангбаранг асарлардан иборатлигига гувоҳ бўлади. Рассом фаолиятини нигоҳ ташлар экансиз, унинг моҳир портретчи , гўзал юртимизнинг гўшалари, тоғлари ва тарихий ёдгорликларини маҳорат билан тасвирлаган манзаралар устаси , маҳобатли санъат соҳасида машхур асарлар яратган ижодкор , юксак илмий салоҳиятли олим , ёшларнинг меҳрибон устози эканлигининг шоҳиди бўласиз.

Рустам Худойберганов 1946 йилда Урганч туманидаги Юқори Дўрман қишлоғида таваллуд топган. Гарчи отонаси тасвирий санъатга тушунмаса-да , фарзандининг расм чизишига қаршилик кўрсатишмади. Улар қўпроқ мусиқа ва рақс санъатига ихлосманд эдилар. Юқори Дўрман қишлоғи Амударё қирғоқларига яқин. Уларнинг ҳовлиси эса қишлоқдан узоқда , катта йўл бўйида жойлашган, қирғоққа яқин эди. Бу ҳовли Хоразмча қилиб қурилган, ёғочдан ясалган дарвоза , ичкарида тегирмон , тандирхона , молхона, албатта терс айвонлар бўларди. Ҳовлининг теварак атрофлари терак ва гужум дараҳтлари билан ўралган, ёзда соя – салқин бўлар, йўлдан ўтаётган йўловчилар кун иссиғида бироз дам олиш учун кириб ўтишарди. Уйларини бобосининг узоқ сафарларда харид қилган, қўпроқ Хитой, Россиядан келтирилган нафис жиҳозлар безаб турарди. Ҳар қандай янги ҳабар ёш рассом учун бир олам қувонч эди. Ўша кезларда ёш Рустам қишлоқ йўлидаги биринчи трактор, осмондаги биринчи самолётни томоша қилиб, телевиденияда кинофильм кўрсатишларини




Урганч туманидаги Юқори Дўрман қишлоғида таваллуд топган. Гарчи отонаси тасвирий санъатга тушунмаса-да , фарзандининг расм чизишига қаршилик кўрсатишмади. Улар қўпроқ мусиқа ва рақс санъатига ихлосманд эдилар. Юқори Дўрман қишлоғи Амударё қирғоқларига яқин. Уларнинг ҳовлиси эса қишлоқдан узоқда , катта йўл бўйида жойлашган, қирғоққа яқин эди. Бу ҳовли Хоразмча қилиб қурилган, ёғочдан ясалган дарвоза , ичкарида тегирмон , тандирхона , молхона, албатта терс айвонлар бўларди. Ҳовлининг теварак атрофлари терак ва гужум дараҳтлари билан ўралган, ёзда соя – салқин бўлар, йўлдан ўтаётган йўловчилар кун иссиғида бироз дам олиш учун кириб ўтишарди. Уйларини бобосининг узоқ сафарларда харид қилган, қўпроқ Хитой, Россиядан келтирилган нафис жиҳозлар безаб турарди. Ҳар қандай янги ҳабар ёш рассом учун бир олам қувонч эди. Ўша кезларда ёш Рустам қишлоқ йўлидаги биринчи трактор, осмондаги биринчи самолётни томоша қилиб, телевиденияда кинофильм кўрсатишларини

Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”

Hosted Online from Bilbao, Spain on November 10th, 2022.

www.conferencezone.org

интизорлик билан кутарди. У кинони ниҳоятда севиб қолади ва ҳаттоқи бир фильмни ҳар сафар қайта – қайта кўрса ҳам зерикмасди.



-Фильмлар орқали кўп нарсани ўргандим. Негаки кино санъати бошқа халқлар санъати, ҳаёти, турмуш тарзини билишга имкон яратади. Шу боис кино менинг ҳаётимда жуда катта ўзгаришлар, орзу ҳаваслар уйғотди – деб эслайди ёшлигини Рустам ака.

Ана шу руҳда санъатга ихлос билан вояга етган Рустам

Худойберганов 1965 йил Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг инженер педагогика факультетида янги очилган бадиий графика бўлимига ҳужжат топширди. Табиийки қишлоқ мактабидан пойтахтга борган Рустам мактабда расм ўқитувчиси бўлмагани учун ўз тайёргарлигидан қониқмади. Натижада Тошкентлик рассом Давид Романович Микулицкийга шогирдликка тушди. Шу тахлит талабалик даври бошланиб, 1965-1970 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг бадиий графика факультетида таҳсил олди. Устозлари Юсуф Елизаров, Малик Набиев, Николай Тен уларга рассомлик фанларидан дарс беришди. Талабалик давридан Рустам Худойбергановга энг таъсир қилгани, Юсуф Елизаровнинг берган сабоқларидир. Негаки унинг ранг сезиш қобилияти, дарс бериши, тушунтириши бошқача эди.

1970 йили, беш йиллик таҳсилдан кейин диплом ҳимояси учун ишланган “Лола сайли” номли картинаси ёш рассом имкониятларини намойиш этди. У ёш мутахассис ўқитувчи сифатида Урганч қурилиш техникумига ишга юборилди. Ёшларга тасвирий санъат, чизмачилик фанларидан дарс берди. Ўз билимни ошириш ниятида 1971 йили Харьков шаҳридаги (Украина) рассомчилик бадиий санъат институтига (ҳозирги Академия) борди. Имтихонлардан муваффиқиятли ўтди. Рустам Худойберганов Харьковга борган талабалар ичида Ўрта Осиё ва Кавказорти республикалари миллатлари вакилларидан битта ўзи эди. Илм ва санъатга иштиёқ сабаб билим юртида академик реалистик мактабни ўтаб, ўз йўлинни топишга харакат қилди. Рустам Худойберганов ижодида кескин бурилиш ясаган ушбу санъат масканида у ва бошқа таҳсилдошларига проф. А.Шапошников,

Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”

Hosted Online from Bilbao, Spain on November 10th, 2022.

www.conferencezone.org

Украина халқ рассоми , доцент. А.Шевченко, Украина халқ рассоми, доцент Карась каби ўқитувчилар мутахассислик дарсларини олиб борардилар.

Рустам Худойберганов ўзининг касбий билимни ошириш йўлида янада изланиб, 1975-1979 йилларда Тошкент театр ва рассомчилик институтиning маҳобатли санъат бўлимида таҳсил олди. Сўнгра 1981- 1993 йилларда Тошкент ҳайкалтарошлик ва монументал санъат комбинатида рассом бўлиб ишлади.

Истеъдодли санъаткор 1993 – 1996 йилларда Маннон Уйғур номидаги санъат институтида “Маҳобатли рангтасвир” кафедраси мудири, 1997 йилдан Камоладдин Бекзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институтида “Маҳобатли рангтасвир” кафедраси мудири лавозимида фаолият кўрсатди. 2003-2005 йилларда Камоладдин Бекзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институти ректори лавозимида хизмат қилиб, улкан ташкилотчилик, раҳбарлик ва устозлик фаолиятини олиб борди. 2007 йилдан буён эса ушбу институт “Маҳобатли санъат” кафедраси профессори вазифасида хизмат қилмоқда.

Санъат соҳасидаги кўп йиллик меҳнатлари боис Рустам Худойберганов 2013 йилда Ўзбекистон халқ рассоми фахрий унвони билан тақдирланган. Рассомнинг ўз услуги, ўз мавзуси ва ҳеч кимга ўхшамайдиган ранглар дунёси бор. Лўнда қилиб айтганда ёник эҳтирос ва катта ғайрат билан рассомчиликнинг машаққатли йўлини танлаб маҳорат билан ижод қилиб келаяпти. Чинакам ижод билан шуғулланганда ҳеч маҳал енгил-елпи йўлдан юрмайди. Маълумки, саёз асарлар яратиш ҳеч қачон ижодкор номини юксакка кўтармайди, албатта. Шу боис ҳам рассом ҳар бир асарида янгиликка интилади.

Биз одатда ўзимиз кўрган, билган ва кўниkke манзаралар, одамлар тасвиirlарини излашга шошиламиз. Бу табиий, чунки бир зум бўлсада, дилга яқин , ёқимли хотираларга, таассуротларга қайтгимиз келади. Рангларнинг нозик товланишларидан ҳосил бўлган бундай асарлар таниқли манументалист – рангтасвирчи Рустам Худайберганов ижодида ҳам кўплаб топилади. Хусусан, Ватанимизнинг кўз илғамас, чексиз манзараларида, яшилга айланаётган майин ранглари дилда мудраб ётган ҳисларни тўлқинлантирса, не ажаб.


Ижодда ҳамиша рассом мудом янги мавзу, янги ранглар оламини излайди, яратишни истайди. Агар унинг ижод устахонасига кирсангиз, кутилмаган образлар ва манзараларни кўриб хайратланасиз. Ўзингизни беихтиёр

Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”

Hosted Online from Bilbao, Spain on November 10th, 2022.

www.conferencezone.org

тасвирий санъат музейига кириб қолгандек ҳис қиласиз. Устахонада бир-биридан гўзал ва тароватли ранглар, тасвир услубининг ўзига хослиги, шакл ва мазмуннинг ранглар уйғунлигидаги берилиши, томошабинни завқланишга ундейверади .



Рассом картиналари оддийлик, соддалик ва энг муҳими томошабинни ўзига тортиб турадиган сирли самимийлик, ўтли жозиба бор. Шу боис асар ранглари сизни ўз оғушига олади. Рассом ижодида аждодларимиздан қолган Хива, Кўхна Урганч, Бухоро, Самарқанд ёдгорликларини, меъморий обидаларни чизар экан, уларни тушга айланиб бораётган ёрқин хотиралар сифатида кўради. Бунинг рамзи сифатида улардаги рангларни яхлитлаштириб, рамзий рангларда тасвирлайди. Бу йўлдаги изланишлар орасида “Хива дарвозаси”, “Чорминор”, ”Хивада ёз кечаси”, “Калта минор манзараси”, ”Эски шаҳар кўчаси” каби асарлари диққатга сазовор.

Рассомнинг ўзига хос услубда ишланган портрет жанридаги асарлари хақида гапрадиган бўлсак, шуни таъкидлаш жоизки, рассомнинг тарихий



шахслар -“Спитамен”, “Тўмарис”, ”Феруз”, ”Жалоладдин Мангуберди”, “Султон Абусаид Мирзо”, “Амир Темур портрети” ва замондошлари портретидан иборат асарлари юксак дид, ўзига хос салоҳиятга эга санъат асарлариdir. Мовий осмон , қизарган булатлар, ўйчан ҳукмдор сиймоси рассом учун рамзий ифодага эга. Унинг портретларини томоша қилар экансиз, иродали, жасур, кучли, юксак мақсадли, қайноқ қалбли, самимий,

олийжаноб инсонларнинг сабр матонати, қаҳромонлиги, қалб тугёни , жўшқин ҳис-туйғулари сизни беихтиёр ўзига мафтун қилади.

Мусаввирнинг манзара жанрида яратган асарларида она юртга, муқаддас заминга чексиз муҳаббат нафаси сезилиб туради. Уларда юртимизнинг

Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”

Hosted Online from Bilbao, Spain on November 10th, 2022.

www.conferencezone.org

ўзига хос мафтункор табиати гўзаллиги, бунёдкор халқимизнинг яратувчанлик кайфияти ўз ифодасини топган. Яшил-қўк, бинафшасиёҳранг, олтинсимон-сариқ рангларнинг нафис уйғунлигини кўриш мумкин. “Амударё”, “Далада”, “Чорвок”, “Тоғ манзараси”, “Менинг баҳорим”, “Баҳор қўшифи”, “Чимёнда баҳор” картиналарида мафтункор фасл тасвирланган.

Мусаввирнинг манзара жанрида яратган асарларида куз ва қиш фасллари кўп тасвирланади. Дов-дараҳтлар, атроф-муҳитнинг сариқ-қизғиши, қўнғиролтинсимон рангларга бурканиши мусаввирга жўшқин илҳом бағишлийди. “Куз келмоқда”, “Соҳилда куз”, “Куз охирида”, ва қиш фасли манзараларидан ”Оқшом олдидан”, “Қорли кун”, ”Тоғдаги боғда қиш”, ”Қор ёқсан кун”, ”Қиши келди”, ”Қиши”, ”Болаларим кўчаси”, ”Дераза ортида”, ”Қиши манзараси” каби картиналари бунга яққол мисол бўла олади.



Аждодларимизнинг
хайратомуз ақл
заковати, улкан
мехнати билан
яратилган меъморий
обидаларни тасвирлаш
қадимий Хоразм
заминида туғилиб
ўсган Рустам

Худайберганов учун туганмас илҳом манбаидир. Бу каби асарларда ранглар яхлитлиги, соялар контрасти кескин қуюқ олингани ўзига хос жозибадорлик ҳосил қиласи. “Хива”, “Хива йўллари”, ”Иchanқalъa чошгоҳда”, ”Жума кунида”, ”Серқуёш Иchanқalъa”, ”Чошгоҳ. Хива”, ”Хива оқшоми”, ”Калтаминон оқшоми”, ”Тун. Хива”, ”Эски Бухоро”, ”Оқшом. Чор-минор”, ”Сўнгги нур. Кўҳна Урганч”, ”Эски Самарқанд”, ”Афросиёбда баҳор”, ”Қадимий Шохи - Зинда” шаҳарларидаги меъморий обидаларни ҳам маҳорат билан тасвирлайди.

Аслида Рустам Худайберганов монументалчи рассом, деворий суратлар устаси. У ишлаган деворий суратларни Ўзбекистон, Россия, Тожикистон ва Туркманистоннинг кўплаб шаҳарларидаги маданият саройлари, ресторонлар, жамоат биноларидан муносиб ўрин олган. Ушбу фреска, витраж ва мозайкада ишлаган асарларда ўзи туғилиб ўсган юрт

Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”

Hosted Online from Bilbao, Spain on November 10th, 2022.

www.conferencezone.org

манзаралари, меҳнаткашлар ҳаёти, халқимиз анъаналари каби мавзулар кенг ўрин олган.

Эъзозли элдошимиз, машхур мусаввир Рустам Худайбергановнинг қалб қўри, юксак маҳорати, тинимсиз ижодий меҳнати билан яратилган юзлаб картиналар мамлакатимизнинг марказий музей ва қўргазмалари, Россия, АҚШ, Франция, Малайзия, Туркия каби давлатларнинг музейларида, шахсий коллекцияларда намойиш қилинмоқда ва авайлаб сақланмоқда.

Она юртимизнинг бетакрор гўзаллиги, қадимий меъморий обидаларимизнинг улуғвор маҳобати, мафтункорлигини жаҳонга намойиш қилишдек улкан шараф, баҳтга мушарраф юртдошимизга мустаҳкам соғлик, тинчлик – хотиржамлик, улкан ижодий ютуқлар тилаймиз.